

РЕСПУБЛИКА “КИТОБ БАЙРАМИ”

Пресс-релиз

Тадбирни ўтказиш куни ва вақти: 22-23 май, 2014 йил

Тадбирни ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи.

Тадбир ташкилотчилари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Ўздавкитобсавдотаъминоти” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

Тадбирнинг мақсади ва мазмуни: “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида ўтказилаётган анъанавий Республика “Китоб байрами” маънавий-маърифий тадбиридан кўзланган асосий мақсад ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш орқали халқ маънавиятини, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш, ёшларни миллий адабиётга, Она-Ватанга юксак муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат.

Республика “Китоб байрами” тадбирлари нафақат пойтахтда, балки бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳам ўтказилмоқда.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2014 йил 1 май ҳолатига кўра, 108 та нашриёт, 1750 та матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 2 минг номдан зиёд, умумий адади 40 млн. нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда.

Республика “Китоб байрами”да юртимизда фаолият юритаётган 100 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Байрам кунларида иштирокчи нашриётлар томонидан сўнгги йилларда чоп этилган 250 дан зиёд номдаги янги китобларининг тақдимотлари, Халқ шоирлари ва ёзувчилари, ўнлаб таниқли ва ёш-истеъдодли адиб ва шоирлар ҳамда ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар бўлиб ўтади.

Сайл тарзида ташкил этилган Республика “Китоб байрами”да пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари соҳада фаолият юритаётган етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўرғазма стендларни томоша қиладилар. Шу билан бирга, боғнинг турли жойларига ўрнатилган телемониторларда нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи ҳамда китобхонлик маданияти тарғиботига бағишланган виедолавҳалар намоиш этилади.

Байрамда иштирок этаётган нашриётлар кўргазма-стенд билан танишувчиларга оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш мақсадида “Болаларга китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар” номли флайерлар такдим этилиб, “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилади.

Шу билан бирга, байрам доирасида китобхон билан адибларнинг бевосита мулоқотларига алоҳида ўрин берилган бўлиб, байрамга таклиф этилган адиб ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, мушоиралар ташкил этилади.

“Китоб байрами” доирасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижодий учрашувлари ҳамда “Китобдан яхши дўст бўлмас”, “Мўжиза эмасдир фалакда офтоб, мўжиза аслида беминнат китоб”, “Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади”, “Китобга меҳр қўйсангиз, у сизни албатта муносиб тақдирлайди”, “Китоб – энг яхши совға” мавзуларида интеллектуал викториналар ҳам ўтказилади.

Икки кунлик байрам давомида Маданият ва спорт вазирлиги ёрдамида жалб этилган санъаткорлар, турли танловлар ғолиблари бўлган ёш иқтидор соҳиблари ижросидаги куй ва кўшиқлар ҳамда фольклор дасталар дастурларидан тузилган концерт дастурларини кетма-кет намойиш этиб бориш ҳам режалаштирилган.

Байрамда китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомларнинг ижодий кўргазмалари ва “Намунавий китоб дўкони” республика кўрик-танлови ғолибларини дипломлар билан тақдирлаш маросими ҳам ўтказилади.

Республика “Китоб байрами”нинг иккинчи куни “Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси” мавзуидаги Иккинчи илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтади. Мазкур анжуман Ўзбекистон Фанлар академияси билан яқин ҳамкорликда ўтказилмоқда. Конференциянинг мақсади – ўзбек адабиёти, ноширчилиги ва матбаачилиги ютуқларини таҳлил этиш, босма маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжи, китоб бозори конъюнктураси ва маркетинги масалалари борасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, соҳанинг тараққиёт йўналишлари ва тенденцияларини белгилашдан иборат.

Шунингдек, “Китоб байрами” доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралдаги қарори асосида Матбуот ва ахборот агентлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилаётган шеърят, наср, рассомчилик ва дизайн йўналишларида ижод қилаётган ёш ижодкорлар асарларини ҳомийлик асосида китоб шаклида чоп этиб, жойларга етказишга қаратилган “Ўзбекистон – ягона Ватан!” танлови эълон қилинади.

Ташкилий қўмита.

***Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,
Тел +(99871) 244-12-61, 244-32-33.
e-mail: nashr@api.uz
www.api.uz***